

МУҒАЛЛИМ ҲАМ ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ



ISSN 2181-7138

№ 6 2021 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:

А. Тилеєнов

Редколлегия ағзалары:

Мақсат АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Дипшодхўжа АЙТЎАЕВ
Гулбаҳар АБЫЛОВА
Өсербай ӨЛЕЎОВ
Аскар ДЖУМАШЕВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Батырбек КАИПБЕРГЕНОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Сарсен КАЗАХБАЕВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕНТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДНОВ
Ойбаҳор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гузрухсор ЭРГАШЕВА

Шўжемлестириўшилер:

Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириў
Министрлиги, ӨЗПНИИ
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы

Министрлер Кабинети

жанындағы Жоғарғы

Аттестация Комиссиясы

Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз хәм
хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гуўалық
берилген.

Мәңзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алақоз көшесі №54
Тел.: 224-23-00

e-mail: uznlpnkkf@mail.uz,
mugallim-pednauk@mail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналға келген мақалаларға жуўан қайтарылмайды, журналда жэрияланған мақалалардан алынған узиндилер «Мугаллим ҳам узликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шэрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шриф тинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлыўматларға автор жуўанкер.

МАЗМУНЫ

ТИЛ Х.ЭМ ЭДЕБИЯТ

Shermatova Z. Grammar competence as a significant aspect of language teaching process....4-8

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Каримжанов А., Каримжонов Д. Таълим-тарбия жараёнида технологик тарздаги ҳодисалар ва тавсифлар.....9-12

Жабборов О.М. Давлат олий таълим муассасалари тьютерларининг фаолият асослари.....12-17

Тоштемурова С.А. Бўлажак тарих ўқитувчиларининг педагогик касбий компетентлигини ривожлантиришида инновацион ёндашувлар.....17-24

Bozorov N.N. Kelajakdagi it mutaxassislarning kasbiy kommunikativ kompetensiyasini shakllantirish metodikasi.....24-29

Умарова З.А. Ўзбекистонда педагогик конфликтология муаммоларини ўрганиш тенденциялари.....29-32

Qurbonova M.F. Mustaqil ishlar jarayoni: "o'rganishdan - o'rgatishgacha" usuli.....32-36

Kushnazarova Yu.K. Mathetics is an apprenticeship - as a direction for experience.....36-40

МИЛЛИЙ ИДЕЯ Х.ЭМ РУУХЫЙЛЫЦ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Абдуллаев А.А. Паркент тумани микротопонимларини тарихий этимологик тадқиқ қилишида лингвимаданий жиҳатлар.....41-45

Ғанибаева Б.Ш. "Янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси"ни ўрганиш методикаси.....46-49

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Beketov N.A. Matematikani o'qitishda o'quvchilarning kasbiy tayyorgarliklarini tashkil etish.....49-53

Алимов Б.Н. Масалаларнинг кўринишини ўзгартириш ўқитишини касбга йўналтирилганлик воситаси сифатида.....53-58

Наримбетова З.А. Умумий ўрта таълим мактабларида геометрия фанини ўқитишининг узвийлиги.....58-61

БАСЛАҒЫШ КЛАСС, МЕКТЕНКЕ ШЕКЕМГИ ТЭРБИЯ

Хурвалиева Т.Л. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништиришида ўйин технологияларидан фойдаланиш имкониятлари.....62-66

G'ulomova X. Savod o'rgatish davrida o'quvchilarni grammatik-orfografik bilimlarni amaliy o'zlashtirishni ta'minlovchi mashqlar.....66-71

Abdullayeva B. P. Maktabgacha ta'lim tashkilotlari tarbiyalanuvchilariga futbol o'yinini o'rgatish texnikasi.....71-77

Ташипулатова Д.М. Бошлангич синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичларига тайёрлаш.....78-81

Tojiboeva G.R. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchisi kasbiy kompetentligining darajalari.80-84

Орипова Н.Х. Вариатив моделлаштиришининг ўзига хос хусусиятлари.....84-87

Musurmonova M., Sultonov T.M. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida matematikadan masalalar yechish ko'nikmasini shakllantirishning metodik imkoniyatlari.....88-93

Мамбеталиев Қ.А. Бастауыш сыныпта ана тілі пәнін тиімді оқытып үйретудің сапасын арттыруда мәтінмен жұмысты ұтымды ұйымдастыру.....93-97

ФИЗИКАЛЫК ТЭРБИЯ Х.ЭМ СПОРТ

Булардан кўриниб турибдики, масала фабуласини ўзгартириш, у ёки бу математик объект хоссаларини ҳаётга татбиқ этиш имконини беради, математика ўқувчиларга келгуси касбий фаолиятида иштирок этишга имкон беради. Бир масалани турлича қайта шакллантириш математик билимлар аҳамияти юқори эканлигини кўрсатади ва фанга бўлган қизиқишни оширади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Алимов Б.Н. Математика ўқитишда таълимнинг касбий йўналганлигини таъминлаш // Касб-хунар таълими, - Т.: — 2008. - № 6. - Б. 17-18.
 2. Алимов Б.Н. Касб-хунар коллежлари ўқувчиларида математика ва махсус фанларнинг интеграцияси асосида касбий билим ва кўникмаларни шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Педагогик таълим, -Т.: - 2009. - №1. - Б. 151-155.
 3. Алёшина Т.П. Урок математики: применение дидактических материалов с профессиональной направленностью. - М.: Высш.шк. - 1991.
 4. Умурзоков Е.К., Махсумов Қ.И. Пардозлаш ишлари технологияси. - Т.: “Илм-зиё” — 2004. - 389 б.
- Қосимов Э.. Курилиш ашёлари. - Т.: “Мехмат”, - 200

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада математикани касбга йўналтириб ўқитишда масалаларнинг ўрни очиб берилган. Бўлажак касбий фаолиятда яъни курилиш соҳаси объектлари ва уларнинг математик аналоглари ўртасида ўхшашликдан фойдаланиш методикаси ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье обсуждается роль задач в профессионально ориентационном обучении математике. Описана методология использования подобия между объектами строительной отрасли и их математическими аналогами в будущей профессиональной деятельности.

SUMMARY

This article discusses the role of issues in career guidance in mathematics. The methodology of using similarity between the objects of the construction industry and their mathematical analogues in future professional activity is described.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ГЕОМЕТРИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ УЗВИЙЛИГИ

*Наримбетова З.А.
ТВЧДПИ ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: таълим, мактаб, фан, геометрия, ўқитиш, узвийлик, тамойил, ёндашув, билим, кўникма.

Ключевая слова: образование, школа, предмет, геометрия, обучение, связанность, принципы, подходы, знание, навыка.

Keywords: education, school, subject, geometry, learning, connectivity, principles, approaches, knowledge, skills.

Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида ўқув фанларини замонавий талаблар асосида ўқитиш асосий вазифа ҳисобланади [1]. Бунда замонавий талаблар деганда ўқитишнинг миллий тажрибаси ва хорижий анъаналарнинг уйғунлашуви назарда тутилади.

Шу сабабли бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида геометрия фанини ўқитиш методикасини янгилаш ва такомиллаштириш долзарб бўлиб турибди [2]. Бу борада умумий ўрта таълим мактабларида геометрия фанини ўқитишда узвийлик тамойилига асосланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Умумий ўрта таълим мактабларида геометрия фанини ўқитишда узвийликнинг уч босқичи мавжуд:

- 1) бошланғич таълим босқичи (бунда математика ўқув фани таркибига геометрия мавзулари ўқитилади);
- 2) таянч таълим босқичи (5-9-синфлар);
- 3) тўлиқ ўрта таълим босқичи (10-11-синфлар).

Мазкур босқичларда математика фани таркибида геометриянинг мавзулари ўқитилади ва унда ўқувчиларнинг ёшига ҳамда жисмоний имкониятларига мос равишда ўқитиш жараёни амалга оширилади. Шу сабабли мазкур босқичларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб умумий ўрта таълим мактабларида геометрия фанини ўқитишнинг узвийлик тамойилларини белгилаб олиш тақозо этилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида геометрия фанини ўқитишнинг узвийлик тамойиллари бизнинг ёндашувимизга кўра, қуйидагилардан иборат:

1. *Мавзуларнинг кетма-кетлиги.* Бу тамойилга кўра, бошланғич, таянч ва тўлиқ ўрта таълим босқичларида фanning мавзулари кетма-кетлик тамойили асосида ўқув дастурлари ва дарсликларида акс этиши керак. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда бошланғич синфларда геометрия фани бўйича берилган мавзулар кўп ҳолларда 5-6-синфларда такрорланган. Шу сабабли бу борада ўқув дастурини такомиллаштириш тақозо этилади. Бизнингча, мавзуларнинг кетма-кетлик тамойилига қатъий асосланиш бундай камчиликларни тузатишга хизмат қилади.

2. *Дарсликларнинг узвийлиги.* Мазкур тамойилга кўра, умумий ўрта таълим мактабларида геометрия дарслигини тузишда бошланғич, таянч ва тўлиқ ўрта таълимнинг функционал вазифаларини ҳисобга олиш тақозо этилади. Бунда бошланғич таълимда ўқитиладиган геометрик мавзулар таянч таълим босқичида чуқурлаштирилиши ва тўлиқ таълим босқичида эса ҳалқаро таълим дастурларида назарда тутилган мавзуларни ёритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Дарсликларнинг узвийлик тамойили асосида тузилиши геометрия фанини умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиш методикасини ривожлантиради.

3. *Методикани такомиллаштириш.* Умумий ўрта таълим мактабларида геометрия фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш узвийликни таъминлашнинг энг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади. Мазкур масала бўйича биз томонимиздан ахборот-коммуникацион воситалари имкониятларидан фойдаланиб, ушбу фанни ўқитиш бўйича ишланмалар яратиш дидактикаси таҳлил қилинди [3]. Бунинг натижасида умумий ўрта таълим мактабларининг геометрия дарсликларида компьютерли технологиялар асосида методикани такомиллаштириш имкониятлари юзага келди.

Мазкур узвийлик тамойиллари бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида геометрия фанини ўқитишда методик такомиллаштиришнинг заруриятини кўрсатади. Мазкур заруриятнинг асослари қуйидагилардан иборат:

Инсоният тараққиётининг ҳозирги ривожланиш босқичида шахсга таълим ва тарбия беришнинг инновацион технологияларини ҳамда ёндашувларини амалиётга табиқ этиш муҳим ҳисобланади. Шу сабабли бу борада икки жиҳатга асосий эътибор

қаратилмоқда: биринчидан, миллий таълим тизимининг тажрибаларини халқаро таълим дастурларига ва талабларига мослаштириш; иккинчидан, халқаро таълим дастурларини миллий таълим тизимида жорий этиш. Шу сабабли мамлакатимиз умумий ўрта таълим босқичида мана шу икки асосда шахсга таълим ва тарбия бериш жараёни кечмоқда. Бунда халқаро таълим дастурларига мослашиш ва уларнинг стандартларини амалиётга жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, умумий ўрта таълим тизимида STEAM халқаро таълим дастури ва баҳолаш стандартларини жорий этиш билан мазкур миллий таълим босқичимизни халқаро миқёсга олиб чиқиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу дастур табиий фанлар, технология, муҳандислик, санъат ва математика фанларини уйғун ўқитиш билан бутун дунё миқёсида шахснинг таълим ҳамда тарбия олиш жараёнини типиклаштиришни назарда тутди. Бу борада Математика туркумидаги фанларни ўқитишда бир неча талаблар қўйилган бўлиб, уларнинг асосийсини шахснинг математик лаёқат ва қобилиятларини умумий ўрта таълим босқичида юксак даражада ривожлантириш ташкил этади. Шу сабабли кейинги пайтларда мамлакатимиз умумий ўрта таълим тизимида мана шундай халқаро таълим дастурларини тадбиқ этиш билан сифат ва самарадорликка эришиш жараёни кечмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Ёшлар-2030” халқаро дастурида ҳам ёш авлодга Математика каби фанларни ўқитиш билан уларни замонавий инновацион технологияларга олиб кириш ва уларни янги технологик кашфиётларга йўналтириш тадбирлари белгиланган.

2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистон стратегияси”да умумий ўрта таълим тизимини STEAM каби халқаро таълим дастурлари асосида ривожлантириш вазифаси қўйилган. Бунда асосий эътибор Математика туркумига кирувчи фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш, ёшларнинг математик қобилиятларини ривожлантириш билан мамлакатда илм-фанга таянган инновацион иктисодиётни таркиб топтириш вазифаларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилади. Шу жиҳатдан буларнинг барчаси ахборот коммуникацион технологиялар воситасида умумий ўрта таълим мактабларида Геометрия фанини ўқитиш методикасини ривожлантириш муаммосини тадқиқ этишни тақозо этади.

Умумий ўрта таълим мактабларида Математика туркумидаги фанларни ўқитишнинг меёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари яратилиб, уларни амалга оширишга изчиллик билан киришилган. Бу борада айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон “Математика соҳасида таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дастури амал бўлмоқда. Мазкур қарорда таълим тизимида Математика туркумидаги фанларни жаҳон талаблари ва халқаро таълим дастурлари асосида ўқитиш вазифаси қўйилган.

Бу борадаги ишларни амалга ошириш учун етарли педагогик ва технологик шарт-шароитларни яратиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистон янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги 213-сон “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида аниқ фанлар, жумладан, Математика фанлари туркумига кирувчи ўқув фанлари бўйича замонавий илмий ва педагогик тадқиқотларни кучайтириш белгиланган. Буларнинг барчаси биз тадқиқ этиш

учун танлаган ахборот коммуникацион технологиялари воситасида Геометрия фанини ўқитиш методикасини 10-11 синфлар мисолида ривожлантириш муаммосини тадқиқ этишнинг долзарб бўлиб турибди.

Эътибор берилса, мазкур заруриятлардан келиб чиқиб умумий ўрта таълим мактабларида геометрия фанини ўқитишнинг узвийлик тамойилига асосланишни кучайтириш имкониятлари мавжуд. Шу сабабли мазкур масала бўйича назарий ва методик ишланмалар яратиш долзарб бўлиб турибди. Асосий мақсад умумий ўрта таълим мактабларида узвийлик тамойили асосида геометрия фанини ўқитишни ривожлантиришдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чоратadbirlari тўғрисида”ги Фармони. // ziyonet.uz
2. Мардонов Ш. Педагогика фанидан ўқитишнинг электрон-модулли дидактик таъминотини ишлаб чиқиш технологияси. – Тошкент, 2021.
3. Наримбетова З.А. “Математика ўқитиш методикаси” фанидан амалий машғулотларни ўқитиш технологияси бўйича услубий кўрсатма. Чирчиқ, 2020.
4. Наримбетова З.А. Математика дарсларида ўқувчилар ижодкорлигини ривожлантиришда ахборот- коммуникацион технологияларининг ўрни. Халқ таълими.- Тошкент, 2021.
5. Наримбетова З.А. Ахборот- коммуникацион технологиялари ёрдамида геометрия фанини ўқитиш методикаси (10-11 синфлар мисолида). SCIENCE AND EDUCATION SCIENTIFIC JOURNAL. 2020.

РЕЗЮМЕ

Мақолада умумий ўрта таълим мактабларида геометрия фанини ўқитишнинг узвийлик тамойиллари таҳлил қилинган ва методик тавсиялар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статей анализирован принципы связанные обучение предмета геометрия в общеобразовательных средних школах и дана методические рекомендации по данному вопросу.

SUMMARY

The article analyzes the principles related to the teaching of the subject geometry in general secondary schools and gives methodological recommendations on this issue.